

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**



**Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ  
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА**

**«ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ  
ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ  
В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И  
ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

**(2020 ЙИЛ 21-22 ФЕВРАЛЬ)  
(21-22 ФЕВРАЛЯ 2020Г.)**

**САМАРҚАНД-ТАМБОВ – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

**Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ  
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА**

**Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби**

**«ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ  
ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»**

**халқаро илмий-амалий анжуман  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В  
УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ  
ЭКОНОМИКИ”**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ  
международной научно-практической конференции**

**(III қисм)  
(часть 3)**

**(2020 йил 21-22 февраль)  
(21-22 февраля 2020 г.)**

**САМАРҚАНД – ТАМБОВ – 2020**

**Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари.** / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (III қисм). 2020 йил 21-22 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 258 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

**М.Қ.Пардаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

**Нашр учун масъуллар:**

**М.М.Мухаммедов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Ж.Р.Зайналов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**И.С.Тухлиев** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Н.А.Ибрагимов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**К.Б.Уразов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Т.С.Шарипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

**А.Н.Холиқулов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, туризм соҳасини ривожлантириш масалалари, хизмат кўрсатиш соҳасида менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

отечественных и иностранных инвестиций в туристскую отрасль;

- предоставление льгот активным организациям и предприятиям, внедряющим инвестиции в инновационную сферу;
- совершенствование амортизационной политики;
- установление приоритетных направлений развития науки и техники.

Для формирования инновационной стратегии и дальнейшей реализации инновационных идей в сфере туризма необходима система управления инновациями, отвечающая требованиям отрасли и рынка. Эффективность создания нового туристского продукта, темпы его развития определяются инновационной активностью в производстве нового продукта. Инновационная активность проявляется через инновационный процесс и является необходимым условием экономического роста и повышения качества жизни. Только наступательная и активная инновационная политика могла бы обеспечить нашей стране существенный прорыв в научно-техническом развитии, перевести ее на качественно иной уровень жизни. Это означает, что инновационный потенциал должен определяться не только и не столько имитационной способностью предприятий к восприятию “чужих” нововведений и новаций, но и способностью самим “творить будущее”, выработать самостоятельно улучшающие изменения и новые ценности.

Создание и развитие новых технологий и современных подходов к управлению туристским бизнесом без инвестирования эту задачу не решить. Таким образом, создание благоприятного инвестиционного климата для привлечения отечественных и зарубежных инвестиций основная задача государства и бизнеса. Привлечение инвестиций в создание и внедрение инноваций – это сложный процесс, требующий определенных навыков и опыта работы. Для более быстрого и успешного прохождения процесса привлечения инвестиций необходимо содействие профессиональных специалистов, консультантов и предприятий, имеющих опыт привлечения финансовых инвестиций для создания инновационных проектов в индустрии туризма и смежных отраслей экономики.

Подводя итог, отметим, что только в условиях достоверности информации о состоянии туристского рынка и инвестиционных ресурсов в развитии индустрии туризма, прозрачности государственной политики поддержки туристского предпринимательства можно добиться стабильных тенденций развития сферы туризма в целом. В настоящее время прослеживаются лишь начальные шаги в данных направлениях. Разрабатываются проекты инновационной и инвестиционной деятельности в сфере области туризма. Можно также отметить, что в условиях формирующегося современного рынка туристских услуг страны и региона предпринимательство станет важным фактором и основной формой реализации инновационных тенденций на этом рынке.



**З.Б.Наврўз-зода** – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

## **БУХОРОДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти унвонига эга бўлган Бухоро шаҳрининг бой туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини яратиладиган зиёрат туризмини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ёритилади.

**Калит сўзлар:** зиёрат, зиёрат туризми, зиёратчилар, “Етти Пир”, рақамли зиёрат туризми, кластер ёндашуви.

**Аннотация:** в статье освещены приоритетные направления инновационного развития паломнического туризма, которые позволят эффективно использовать богатый туристический потенциал Бухары, объявленная в 2020 году столицей Исламской культуры.

**Ключевые слова:** паломничество, паломнический туризм, паломники, “Семь Пиров”, цифровой паломнический туризм, кластерный подход.

**Abstract:** The article highlights the priority directions of the innovative development of pilgrimage tourism, which will make it possible to effectively use the rich tourism potential of Bukhara, declared in 2020 the capital of Islamic culture.

**Keywords:** pilgrimage, pilgrimage tourism, pilgrims, “Seven Saints”, digital pilgrimage tourism, cluster approach.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO)нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олди ва Ўзбекистон Республикасига шаҳарнинг рамзий байроғи топширилди.

Бухоронинг бундай шарафли унвонга эга бўлиши ушбу Шариф шаҳрида мавжуд бўлган ва мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов раҳнамолигида қайта таъмирланган «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси», «Ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси», «Чор Бакр мажмуаси» каби муқаддас қадамжолар дунё ислом аҳлининг асосий зиёрат қиладиган масканларига айлантирилди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йилнинг 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрганида инсоният тамаддуни бешикларидан бўлмиш ушбу заминда не-не буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилганини таъкидлар экан, улар мангу кўним топган масканларни янада обод этиб, бу жойларда зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Юртбошимиз Етти пир — Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланишини қайд этар экан, уларнинг замон талаблари даражасида реконструкция қилиниши Ўзбекистонга янги сайёҳлик йўналишини очишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади[5].

Бухоройи Шарифнинг Ислом маданияти пойтахти бренди (1-расм)нинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун шаҳарда мавжуд бўлган кўпгина муқаддас жой ва табаррук қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳидан жозибадорлигини ошириш ва ҳудудга наф келтира олишга қаратилган таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни кўриш тақозо этади.



**1-расм. Бухоро — Ислом маданияти пойтахти бренди [4]**

Хорижий зиёратчилар оқимини кучайтириш мақсадида, бизнинг фикримизча, зиёрат туризмида кластер ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. “Зиёрат туризми” деганда турли дин намояндаларнинг муқаддас жойларга сажда ва ибодат қилиш мақсадида сафарга бориши тушунилади.

Хорижий зиёратчи оқимини кучайтириш мақсадида, бизнинг фикримизча, дестинацион маркетинг ва дестинацион менежмент ғояларини диний туризмда ҳам қўллаш даркор. Маркетинг ва менежментнинг бу ғояси туристик дестинация ёхуд саёҳатгоҳ (зиёратгоҳ)ларга асосланадики, улар стратегик тижорат бирлик шаклида туристик хизматлар бозорида намоён бўлади ва бугунги кунда илғор туристик давлатларда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризминини қуйидаги инновацион йўналишларида жадал ривожлантириш мумкин:

**1. Зиёрат туризмга хос таклиф тизимини яратиш лозим.** Хорижий сайёҳлик тажрибасидан маълумки, туристик таклифнинг уч модели мавжуд: бирга-бир модели (сайёҳ ташриф ташаббускори сифатида намоён бўлиб, саёҳат маскани ва туристик хизматлар мажмуидаги унсурларни ўзи мустақил шакллантиради), пакетли модел (туристик хизматлар бозорида бир ёки бир неча туристик ташкилотлар фаолият кўрсатиб, туристик йўналишини қатъий «пакет» шаклида сайёҳларга таклиф қиладилар) ва интеграллашган модели (сайёҳлар ўзининг бўлажак ташриф масканини мустақил танлаб ўзига маъқул бўлган туристик ташкилоти билан

ҳамкорликда саёҳат қиладилар). Туризмнинг диний турига, хусусан зиёрат туризмига юқорида қайд қилинган ҳар учала туристик таклиф моделини қўллаб ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўлкамизда жозибадор туристик дастурларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**2. Зиёрат туризми хизматларига бўлган талабни шакллантириш.** Маркетинг тадқиқотлар усулларида зиёрат туризмнинг асосий мақсадларини аниқлаш; зиёратчиларни географик, демографик, ҳуқ-атвор, психологик ва бошқа аломатлар билан сегментлаш; ажратилган мақсадли зиёратчи гуруҳларни ҳуқ-атворларини ва ўзига хос талаб-эҳтиёжларини ўрганиш каби маркетинг чора-тадбирларни кўриш, туризмнинг бу шаклини ривожлантиришга олиб келади, деб ўйлаймиз.

**3. Зиёрат туризми инфратузилмасини ривожлантириш.** Туристик маҳсулотнинг ўзига хослиги унинг мажмуалигидадир. Сайёҳлар ташриф давомида меҳмонхона, овқатланиш масканлари, транспорт хизматлари, гид хизматидан фойдаланадилар. Инфратузилманинг бу унсурлари зиёратчилар учун қанча мослаштирилган бўлса, ташрифчиларнинг оқими шунча кўпайиб боради. Ўзбекистонда меҳмонхоналарнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Лекин уларнинг аксарияти европача услубда хизмат кўрсатадиларки, зиёратчиларга унча маъқул келмайди. Бизнинг фикримизча зиёратчилар учун мўлжалланган меҳмонхоналар ташқи (эркаклар учун) ва ички (аёллар учун) ҳовлилардан иборат бўлиши маъқул. Ошхона ва ресторанлар ҳам ўлкамизда кўп, лекин зиёратчилар учун мўлжалланган, ҳалол маҳсулотлардан иймонли ошпазлар томонидан овқат тайёрланадиган овқатланиш масканлар жуда ҳам кам.

**4. Ўлкамизда жозибали зиёратгоҳларни яратиш.** Республикамизда мавжуд муқаддас қадамгоҳлар негизида қатор зиёратгоҳларни яратиш имконияти бор. Улар жумласига “Имом-Ал-Бухорий Ватани” (Самарқанддаги Ал-Бухорий мемориал мажмуаси ва Бухородаги зиёратгоҳлар); “Етти пир” зиёратгоҳи; “Бухорои Шариф” зиёратгоҳи (Хўжа Исмаи мажмуаси, Чор-Бакр мажмуаси, Масжиди Калон, Пири Дастгир масжиди); “Тошкент – Ҳалқаро Исломи маркази (Усмои Қуръонинг маскани)” зиёратгоҳи; “Қашқадарё вилояти зиёратгоҳлари”; “Фарғона зиёратгоҳлари”; “Ҳазрати Али қадамгоҳлари”; “Самарқанднинг муқаддас қадамгоҳлари”; “Хоразмнинг зиёратгоҳлари; “Навоий авлиёлари” ;“Ўзбекистон – ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” ” зиёратгоҳи ва бошқалар. Бундай зиёрат масканлари яратишда хорижда обрў-эътиборга сазовор бўлган “дестинацион менежмент” концепциясидан фойдаланиш мумкин.

**5. ”Ўзбекистон зиёратгоҳлари” каталогини тузиш.** Ўзбекистонда 144 та мавжуд муқаддас жойларнинг қисқача матнли ҳамда расмли тафсилотларини тузиш. Бу каталогда Ўзбекистоннинг 144 та муқаддас қадамжойлардан ҳар бир зиёратгоҳнинг рангли расмлари ва қисқача тавсифини жойлаштириб фаол тарғиб қилиш керак, деб ўйлаймиз. “Ўзбекистон зиёратгоҳлари” харитасини тузиш. “Ўзбекистон қадамжолар буйича йўлқўрсаткичини уч тилда яратиш Шунингдек, ўлкамиздаги

туристик зиёратгоҳларни хорижда рекламасини ташкил қилиш эвазига кириш зиёрат туризмни ривожлантириш имконияти вужудга келтириш.

**6. Рақамли зиёрат туризми тизимини шакллантириш.** Инфотузилма деганда биз туризм соҳасига хизмат қиладиган турли-туман ахборот-коммуникацион восита ва ташкилотларни назарда тутамиз. Уларга “Интернет тармоғи”, “веб сайтлар”, “Мобил алоқа тизими”, электрон-буклет ва слайдлар мисол бўла олади. Ўлкамизда интернетнинг ривож топиши туфайли зиёратгоҳларнинг веб-сайтларини тузиб интернет орқали уларнинг тарғиботини йўлга қўйиш, ҳар бир туристик ҳудудларнинг электрон ва мобил бошқариш тизимини яратиш мумкин.

**7. Кириш зиёрат туризмининг барқарорлаштириш.** Хорижий зиёратчи оқимини кучайтириш мақсадида, бизнинг фикримизча, дестинацион маркетинг ва дестинацион менежмент ғояларини диний туризмда ҳам қўллаш даркор. Маркетинг ва менежментнинг бу ғояси туристик дестинация ёхуд саёҳатгоҳ (зиёратгоҳ)ларга асосланадики, улар стратегик тижорат бирлик шаклида туристик хизматлар бозорида намоён бўлади ва бугунги кунда илғор туристик давлатларда кенг қўлланилмоқда.

**8. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг жадал ривожлантириш ва хорижий зиёратчилар оқимини кескин кўпайтириш мақсадида, фикримизча, ушбу туризм турида кластер ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.** Бу учун, дастлаб, муқаддас жойларни зиёрат дестинациялар даражасига кўтариб, сўнгра, уларни зиёрат кластерларига айлантириш саъй-ҳаракатларини қилиш керак. Бу мақсадни амалга ошириш учун биз “Муқаддас жойларнинг зиёратбоплигини баҳолаш мезонлари ва уларни сифат жиҳатдан таснифлаш тартиби”ни ишлаб чиқдик. Унга кўра муқаддас жойларнинг зиёратбоплигини 10 та мезон асосида баҳоланади. Бу мезонлар юзасидан ҳар бир муқаддас жой 100 балл ҳисобидан баҳоланади. Баҳолаш натижалари буйича уларнинг тоифаси аниқланади. Биз зиёратгоҳларни учта қуйидаги тоифа (даража)га ажратишини тавсия этамиз: 1) “Диққатга сазовор муқаддас жой” сифат даражасини бериш; 2) “Зиёратбоп муқаддас қадамжоз” сифат даражасини бериш; 3) “Жозибали зиёратгоҳ” сифат даражасини бериш тавсия этилади.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган чора-тадбирлар орқали Ўзбекистонда маданий туризм билан бир қаторда диний, хусусан зиёрат туризмининг ҳам инновацион ривожлантириш имконияти янада кенгайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.
3. Наврузова Г.Н., Ибрагимов Н.С. Религиозный туризм. БухГУ, Бухара. 2006.
4. Бухоро Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олди. <https://hidoyat.uz/26419> 20.02.2020.
5. Етти пир зиёрати. Ўзбекистоннинг янги сайёҳлик йўналиши. <http://xs.uz/uzkr/post/etti-pir-ziyorati-ozbekistonning-yangi-sajyohlik-jonalishi>